

## “Ҳисобчи” касби бўйича саволлар тўплами.

1. Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ишларини ташкил қилишга умумий раҳбарлик ким томонидан амалга оширилади?
2. Корхона бухгалтерия ҳисобининг функциялари нималардан иборат?
3. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонун қачон қабул қилинган?
4. “Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом қачон тасдиқланган?
5. Таннарх нима?
6. Корхонанинг чорак ва йиллик ҳисоботи ким томонидан тасдиқланади?
7. Кассага топшириладиган маблағ учун қандай ҳужжат расмийлаштирилади?
8. Товар-моддий захиралар балансда ..... сифатида акс эттирилади?
9. Дивиденд нима?
10. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари қайси қонун билан кучга кирган?
11. Тушум нима?
12. Қимматбаҳо қоғозларнинг турлари.
13. Акциялар шаклига кўра қандай турларга бўлинади.
14. Асосий фонднинг қолдиқ қиймат – бу...?
15. Нарх нима?
16. Қўшилган қиймат солиғи қайси суммадан олинади?
17. Маҳсулот таннархига ўтадиган материал таннархи.
18. Материаллар нималарга туркумланади?
19. Мол етказиб берувчилардан материаллар қайси ҳужжатларга асосланиб келиб тушади?
20. Материаллар омборда ишлаб чиқаришга қайси ҳужжатлар асосида чиқарилади?
21. Қуриб битказилган иморатларни киримга олиш учун қандай бошлангич ҳужжат тузилади?
22. Қисқа муддатли ижара нечи йил муддатга берилади?
23. Сарфланган иш вақти ҳисоби қайси ҳужжат асосида юритилади?
24. Табел ким томонидан имзоланади?
25. Вақтинча иш қобилиятини йўқотган ишчиларга нафақа қандай ҳужжатларга асосан ҳисобланади?
26. Иш ҳақининг вақтбай шаклида ҳақ қандай тўланади?
27. Калкуляция - бу нима?
28. Муддати ўтган дебитор қарзларнинг мавжудлиги корхона учун фойдами ёки зарарми?
29. Муддати ўтган кредитор қарзларнинг мавжудлиги корхона учун фойдами ёки зарарми?
30. Шартнома, ҳисоб варақалари, ишончномалар кимлар томонидан имзоланади?
31. Молиявий ҳисоботлар қайси маълумотлар асосида тузилади?
32. Таътил ҳақида ҳисоблаш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблашда моддий ёрдам ҳисобга олиними?
33. Узоқ муддатли активларга нималар кирмайди?
34. Жорий активларга нималар кирмайди?
35. Корхона ўз капиталига нималар кирмайди?
36. Товар моддий захира (ТМЗ) қандай ҳисобга олинади?
37. Сотилган маҳсулотларнинг қиймати устига қўйиладиган қўшимча қиймати нечи фоиз (НДС)?
38. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси нечи фоиз?
39. Жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи ставкаси нечи фоиз?
40. Меҳнат таътилини ҳисоблаш учун охириги нечи ой ҳисобга олинади?
41. Ўртача ойликни ҳисоблаш учун охириги нечи ойлик иш ҳақи олинади?
42. Дам олиш кунлари ишлаган ходимлар учун канча миқдорда иш ҳақи тўланади?
43. Баҳо нима ...?
44. Электрон ҳисоб-фактуралар қайси қонун билан кучга кирган?
45. Инвентаризация қайси стандартга асосан ўтказилади?
46. Асосий фонд қайси миллий стандарт асосида олиб борилади?
47. Мол-мулк солиғи ставкаси нечи фоиз?
48. Асосий фондларга қандай товарлар киради?
49. Энг кам иш ҳақи ҳозирги кун ҳолатига қанча (МРОТ)?
50. Инвентаризацияда аниқланган ортиқча товарлар қайси нархда кирим қилинади?
51. Ишчининг касаллик варақаси бўйича қандай ҳисоб-китоб қилинади?
52. Иш вақтидан ташқари ишга жалб қилинган ишчига ойлик қандай тўланади?
53. Қандай молиявий ҳисоботларни биласиз?
54. Дебитор – кредитор нима?
55. Баланс нима ва у қандай болимлардан иборат?